Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№42-43 (391-392)
2020 йил 5 июнь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

## ЙЎЛЛАРИМИЗДА ПИЁДАЛАР ҲАРАКАТИ, ОДАМЛАРНИНГ ҲАЛОВАТИ, САЛОМАТЛИГИ УСТУВОР БЎЛИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев 4 июнь куни Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишди.

Кейинги уч йилда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли 276 минг нафардан ошди.

Бунинг натижасида, табиийки, инфратузилма тармоқларига юклама ҳам ортди. Шу боис, бу ерда қўшимча муҳандислик объектлари, туманни шаҳарнинг марказий қисми билан боғловчи йўл ва кўприклар қурилмоқда.

Хусусан, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан қиймати 83 миллион доллар бўлган 7 километр узунликдаги Сергели ер усти метроси ва унинг «Чоштепа», «Тошкент халқа йўли», «Сергели», «Афросиёб», «Қипчоқ», «Чинор» бекатлари барпо этилмоқда.

Албатта, бу йўловчиларга катта қулайлик яратади. Лекин, шу билан бирга, автотранспорт ҳаракатини ҳам инобатга олиш зарур.

Давлатимиз раҳбари бу масалага доимий эътибор қаратиб келмоқда. 29 май куни Сергели тумани фаоллари билан ўтган учрашувда ҳам транспорт инфратузилмасини ривожлантириш чоралари муҳокама қилинди. Ўшанда Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси ҳақида маълумот берилган эди. Президентимиз бугун ушбу лойиҳани жойига чиқиб, атрофлича ўрганди.

Умумий қиймати 280 миллиард сўмдан зиёд бўлган мазкур лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Туркиянинг «Kaloyn» компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган. Унга кўра, Чўпонота кўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишмасида 583 метрлик йўл ўтказгич барпо этилади. Бу чорраҳадан Тошкент ҳалқа йўлигача янги кўча қурилиб, ҳалқа йўли остидан туннель орқали ўтказилади ва Қипчоқ кўчасида қурилаётган янги кўприкка туташади.

Жами 5,6 километрлик бу йўл соатига 3 минг транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга бўлади.

Маълумки, ҳозирги кунда Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автомобиллар асосан битта йўл – Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланади. Шу боис, унда қатнов жуда кўп, юклама катта. Айниқса, эрталаб ва кечга яқин бу кўча тирбанд бўлиб қолади. Ушбу янги йўл ва кўприклар қурилиши натижасида Сергели туманига транспорт қатнови тирбандлиги 50 фоизга, транспорт ҳаракати вақти 20-25 минутга камаяди.

– Одамларнинг ҳар кунлик режасига, кайфиятига, соғлиғига таъсир қиладиган энг катта омил – транспорт тақсимоти. Йўллар қуриб, тирбандликни камайтиришдан мақсад шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга қулайлик яратишдир. Бу ишларни бугун қилмасак, йилдан-йилга қийинлашиб бораверади. Бугун қилсак, келажакда харажат камаяди, –деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Тошкент шаҳрининг транспорт концепцияси тақдимоти ўтказилди.

Бу концепция геоинформацион тизим орқали шаҳардаги транспорт ва йўловчилар оқимини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган. Ундан мақсад, аввало, хавфсизлик, қулайлик ва иқтисодий самарадорликдир.

Масалан, йўл ҳаракатини тўғри ташкил этиш натижасида йилига 19 миллион долларлик ёқилғи тежалиши, 129 миллион долларлик тахминий зарарнинг олди олиниши ҳисоб-китоб қилинган. Ёки автобуслар сони ва йўналишларини оптималлаштириш орқали йилига 2,5 миллион доллар иқтисодий самарага эришиш мумкин.

Концепцияда, шунингдек, автоматик тўлов тизимини ривожлантириш, автомобиль тўхташ жойлари ва пиёдалар ўтиш йўлакларини кўпайтириш каби қатор қулайликлар назарда тутилган.

Президентимиз пиёдалар ва велосипедлар ҳаракатига кўпроқ шароит яратиш зарурлигини қайд этди.

– Бизнинг йўлларда транспорт воситаларига кўп устуворлик берилган. Аслида пиёдалар ҳаракатини, одамларнинг ҳаловати, саломатлигини биринчи ўринга қўйиш керак, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Транспорт концепциясини Тошкент шаҳрининг битта туманида апробация қилиш, кейинчалик бутун пойтахтимиз ва бошқа шаҳарларда жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда Яккасарой туманида кўп қаватли савдо комплекси, меҳмонхона ва турар жой қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари тақдимотлардан сўнг Сергели туманини пойтахт маркази билан боғлайдиган ва транспорт ҳаракати учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган йўл ўтказгични кўздан кечирди. Мутасаддиларга транспорт оқимига қўшимча қулайликлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

ЎзА.

## Зарар кўрган ҳудудларда яна ҳаёт қайнайди



(Давоми. Боши газетамизнинг аввалги сонида).

Бухоро вилоятидан келган қурувчилар тумандаги талофатдан энг катта зарар кўрган ҳудудлардан бири «Юртдош» маҳалла фуқаролар йиғинида иш олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси катта инспектори Элдор Исааковнинг айтишича, бошқа ҳудудлардан келган кўмакчилар қатори бухороликларнинг ҳам ишлари анча таҳсинга сазовор экан. Шу сабабли ана шу ҳудудга боришни таклиф қилди.

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...







## Андижонликлар орзусидаги арзон, қулай кўп қаватли уйлар

**Андижон ҳудуди жиҳатидан мамлакатимиздаги энг кичик, аҳолиси эса энг зич яшайдиган вилоят ҳисобланади. Янада аниқроқ айтганда, вилоят республика ҳудудининг 1 фоизини, аҳолиси эса 10 фоизини ташкил этади. Шу боис ҳам вилоятда ернинг ҳар бир қаричидан унумли ва оқилона фойдаланиш талаб этилади.**

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили Андижон вилоятига ташрифи чоғида ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, қолаверса, экин майдонларини камайтирмаслик мақсадида вилоятнинг адир жойларида арзон, кўп қаватли уйлар қуриш ва шу орқали тобора ўсиб бораётган аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида қатор вазифалар белгилаб берган эди.

Ҳар бир инсон, айниқса, ўзбек халқи учун бошпана, уй-жой қилиш энг муҳим ҳаётий эҳтиёжлардан бири ҳисобланади. Президентимизнинг арзон уй-жойлар қуриш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ташаббуси ана шу жиҳатдан андижонликларни беҳад қувонтирди. Чунки уй-жой масаласи вилоятдаги энг долзарб масалалардан бири эди. Вилоятнинг аксарият ҳудудларида бир ҳовлида икки, учтадан оила яшайди. Ҳатто, кўп қаватли уйга икки келин туширган оилалар бор. Бу албатта, оилавий муносабатлар, турмуш тарзи билан боғлиқ қатор муаммоларни юзага келтиради. Вилоятда кўп қаватли уйлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани эса ана шу муаммолар, яъни аҳолининг уй-жой масаласини ижобий ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида кейинги икки йилда биргина Андижон шаҳрининг ўзида 1 минг 798 хонадондан иборат 41 та кўп қаватли уй барпо этилди.

Қолаверса, Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига асосан вилоят ҳокими ташаббуси билан Андижон шаҳри билан туташ адирликларда кўп қаватли арзон уй-жойлар қуриш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Дастурга кўра, 2020 йилда Хўжаобод тумани Иттифоқ массивидаги адирликда бир неча босқичда 35 та кўп қаватли уй қурилади. Биринчи босқичда 330 хонадондан иборат 2-3 хонали 11 та кўп қаватли уй қад ростлайди. Барпо этиладиган уйларнинг 9 таси уй-жойга муҳтож аҳолига, 2 таси эса хизмат уйи сифатида ҳарбийларга берилиши кўзда тутилган.

Айни пайтда бу ерда ишлар қизғин паллага кирган. Йил бошида бошланган қурилиш жараёнида кўп қаватли уйларни қуриш, коммуникация, инфратузилмани барпо этиш бўйича белгиланган барча ишлар режа асосида амалга оширилмоқда.

– Адир ҳудудларда тупроқнинг юмшоқлиги, ўтириб қолиш эҳтимоли юқорилиги ҳисобга олиниб, қатор хорижий давлатларнинг мазкур йўналишдаги тажрибаси ўрганилди, – дейди вилоят бош архитектори Шокиржон Тўрабоев. – Қурилиш ишлари асосан илғор Туркия технологияси асосида олиб борилмоқда, ҳар бир жараён мутахассислар томонидан доимий назорат қилинмоқда.

– Қурилиш учун нимага айнан ушбу жой танланди, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий – дейди вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов. – Мутахассисларимиз томонидан анчадан буён адирлик ҳудудларида кўп қаватли уйлар қуриш, жой танлаш борасида ўрганишлар олиб борилмоқда. Ушбу ҳудуд энг аввало, Андижон шаҳрининг шундоқ юқори қисмида, Андижон – Ўш автомагистраль йўли бўйида жойлашган, қолаверса, баҳаво, ёзнинг иссиқ кунларида ҳам доимий шабада эсиб туради. Бундан ташқари, ҳудуднинг табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқларига бирмунча яқин экани ишларни нисбатан тез амалга ошириш, инфратузилма харажатларининг ўта баланд бўлмаслигини таъминлайди.

Уйларнинг хоналари, айвони (балкон) бирмунча кенг, ҳар бир кириш йўлагида лифт бўладиган мазкур уйлар ўзига хос, ноодатий кўринишда, зинапоя тарзида барпо этилмоқда. Уйлар орасидаги масофа ҳам анча узоқ бўлади. Бу ҳар бир уйнинг атрофида болалар, спорт майдончалари, суҳбатгоҳлар, автомобиллар турар жойларини барпо этиш имконини беради. Умуман, яшовчилар учун зарур барча шароит яратилади.

Қурилишнинг биринчи босқичида белгиланган ишларни амалга ошириш учун 30 га яқин қурилиш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари жалб этилган, юзлаб техника воситалари тинимсиз ишламоқда. Қурилиш жараёнида минглаб ишчилар, мутахассислар фаолият юритмоқда.

Ҳозирда йўл ёткизилиб, уйларнинг пойдевори қуйилди, аксариятининг бир неча қавати қад ростлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, уй қуриладиган майдонлар бир неча метр ковланиб, шағал, шебень билан тўлдирилиб, юқори босим остида зичланган. Шундан кейингина фундамент қуйилган.

Массивдаги ҳар бир уйнинг канализация тармоғи бир-бирига боғланади. Оқова сувлар тўпланадиган ва қайта ишланадиган алоҳида йирик сув-тозалаш иншооти қурилади.

Давлатимиз раҳбари шу йил 20-21 май кунлари вилоятга ташрифи доирасида массивда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди. Қурилиш ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Улкан ҳудудда барпо этилаётган массивда аҳоли учун зарур барча қулайлик ва шароит яратилади. Шунингдек, бу ерда мактабгача таълим ташкилоти, мактаб, гузар, бозорча, бир нечта минимаркетлар ҳам барпо этилади. Умуман, мазкур ҳудуд ўзининг бетакрор ландшафти, гўзал қиёфаси билан андижонликларнинг орзусидаги гўзал масканлардан бирига айланади.

– Халқимиз қалбидаги эзгу мақсадларни амалга ошириш учун меҳнат қилади, фарзандларига тўй, уй-жой қилиш орзуси билан яшайди, бу ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланган ҳақиқат, – дейди Андижон вилояти Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ўктамжон Охунов ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаевга. – Юртбошимиз ташаббуси билан бугун арзон уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани, бутун халқимиз, айниқса, андижонликларнинг дилидаги орзулари ижобати, десам асло муболаға бўлмайди.

Юртдошларимизнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, турмуши фаровонлигини юксалтиришга қаратилган бу каби хайрли ишлар шубҳасиз, уларнинг Президентимизга, давлатимизга, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайди.

Иттифоқ массивида барпо этилаётган кўп қаватли, арзон уйлар биринчи навбатда Андижон шаҳри, Андижон, Хўжаобод, Булоқбоши ва Жалақудуқ туманларидаги уй-жойга муҳтож, шунингдек, уй-жой олиш учун навбатда турган оилаларга берилиши кўзда тутилган.



# Зарар кўрган ҳудудларда яна ҳаёт қайнайди

(Давоми. Боши 1-бетда)















– Аслида текис йўлдан, катта трассадан юрсак ҳам бўларди, лекин бу йўлдан бориш мушкул бўлсада, анча қисқа, – дея изоҳ берди Э. Исааков. – Бу йўлдан юришимизнинг яна бир сабаби сув тошқинининг ҳажми тўғрисида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлишингизга имкон беради.

Мирзаобод туманидан «Юртдош» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига борарканмиз, сув тошқини ҳақидаги талофатлар асоратларини суҳбатлардан эмас ўз кўзимиз билан кўриб, бундан бир ой олдин бўлган ҳолатни тасаввур қила бошладик. Катта-катта дарахтлар илдизи билан қўпорилган, далаларни суғоришга мўлжалланган бетон лоток (ариқ)лар таг-туги билан ювиб кетилган, йўллар, кўприклар бир аҳволда. Уларнинг барчасида таъмирлаш-тиклаш ишлари давом этаётган бўлсада, манзилимизга етиб олиш учун анча ўнқир-чўнқир йўллардан юришга тўғри келди.

Атрофдаги манзарани кўриб машинани бошқариб бораётган Сирдарё вилояти Қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекцияси ҳайдовчиси Марвин Велиляевнинг ҳикоясини эшитиб кетдик.

– Бўлиб ўтган воқеани эшитган заҳотимиз деярли барча Сардоба томон ошиққанди ўша куни. Автомашинаси борлар аҳолига ёрдам беришга шошилишарди. У кундаги ҳолатни ҳозир тасвирлаб бериш мушкул.

Биз ўтирган машина «Бухоро маркази» деб ёзилган бино олдида тўхтади.

– Бу бинони бухороликлар ўз кўмак штаблари сифатида қуришган, – дея тушунча берди Э. Исааков.

Зум ўтмай ёнимизда яна бир автомашина келиб тўхтаб, ундан Бухоро вилоятининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Назрулла Ҳамдамов тушди. Биз билан кўришиб, марказ томон чорлади. Бинонинг ичи жуда дид билан жиҳозланган, кунлик маълумотлар, амалга ошириладиган ишлар режа-жадваллари илиб қўйилган. Шу ерда у кишини суҳбатга чорладик.

– Бу ерга келганимизга икки ҳафта бўлди, – дейди Назрулла Ҳамдамов. – Сардоба туманининг «Юртдош» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида талофатдан зарар кўрган 92 та уй-жойларни мукаммал таъмирлаш ишларига вилоятимизда фаолият юритаётган 38 та қурилиш-пудрат ташкилотларидан 700 дан зиёд ишчи-хизматчилар жалб қилинган. Уларнинг ишларини енгиллаштириш учун 60 га яқин техника ишлаб турибди. Ҳудудга келган вақтимиз сув сатҳи ҳали тўлиқ кетмаган, устига-устак бир неча кун тинимсиз ёғингарчилик бўлгани сабабли тозалаш ишларига вақтимиз кўпроқ кетди. Ҳозирда деярли барча уйларнинг том ишлари якунланди. Энди пол, ички ва ташқи пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар бир уй учун очиқ айвон, омборхона ва ҳожатхона янгидан қурилиб, барча дераза ромлари, эшиклар, ташқи ва ички коммуникация, сантехникалар янгиланади. Белгиланган ишларнинг барчасини 15 июлгача амалга оширишни режалаштирганмиз.

Суҳбатимиз айни қизиб турган вақтда марказга шу ерда газ, электр ишларини амалга ошираётган мутасаддилар келиб вилоят ҳокими ўринбосари айни паллада амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилабошлашди. Биз эса ҳудудни кўришга ошиқдик.

Бизга ҳамроҳлик қилаётган Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси бош режалар бўлими бошлиғи Фарҳод Бобоев амалга оширилаётган ишларни тушунтира бошлади. Коттеж сифатида қурилган, талофатдан зарар кўрган уйларнинг бирига яқинлашдик. Уйнинг томлари янгитдан ёпилган, устки қисмидаги пардозлаш ишлари якунланиб қолган.

– Биз ҳар бир уйни гўёки ўзимиз учун таъмирлаётгандекмиз, – деди Бухоро туманидаги «47-сон ХМК» МЧЖ иш юритувчиси Аҳмаджон Улуғов. – Бизга 20 та уйни мукаммал таъмирлаш вазифаси юклатилган. Бунинг учун 180 нафар ишчи-хизматчиларимиз сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Бугунгача уйларнинг барчасида том қайтадан ёпилиб, эшиклар, дераза ромлари ўрнатилди. Бу ерда яшайдиган юртдошларимиз бизга фақат раҳмат айтишларини хоҳлаймиз. Қурувчилик касби мен учун жуда қадрли, шу сабабли ҳам одамлар бизни фақат яхши сўзлар билан эслашларини истайман.

– Бу киши қурувчилар авлодидан, оталари нафақат Бухорода балки республикамизда ҳам танилган қурувчилардан, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи» Ахтам Улуғовнинг фарзандлари бўлади, – дея гап қўшди Ф. Бобоев.

– Шундай машҳур қурувчиларнинг фарзандлари иш олиб бораётган экан «Юртдош» маҳалласи аҳолиси, албатта, ишларингиздан мамнун бўлади, – дедим.

Кейинги манзилимиз «Юртдош» маҳалла фуқаролар йиғинидан унча узоқ бўлмаган туманнинг «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди бўлди. Бу ердаги қурилиш-таъмирлаш ишларини Қорақалпоғистон Республикасидан келган қурувчилар амалга оширишмоқда. Йўл бўйига қурилган кўмак штабида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси директори вазифасини бажарувчи Зиёд Бабабеков қарши олди.

– Ҳудуддаги 90 уйни таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширяпмиз, – деди у биз билан суҳбатда. – Бу ишларга республиканинг 59 та қурилиш-пудрат ташкилотларининг 800 га яқин ишчи-хизматчилари сафарбар қилинган. Шуни таъкидлаш кераккки, турар жойларнинг 28 таси яроқсиз деб топилган. Қолган уйларда мукаммал таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Ҳудудни айланар эканмиз, қурувчиларнинг тиним билмай меҳнат қилаётганларини кўрдик.

– Кун иссиқ бўлсада, ишларимизни бир дақиқа ҳам тўхтатганимиз йўқ, – дейди «Бахит Миратдийн» МЧЖ иш бошқарувчиси Жалғас Бекмурадов. – Биз Қорақалпоғистоннинг кўплаб туманларида уй-жойлар қуриб тажриба орттирганмиз. Ана шу тажрибамиз бу ердаги ишларни сифатли адо этишимизда асқотмоқда.

– Энг асосийси, сирдарёлик юртдошларимиз ишларимиздан мамнун, рози бўлишса, шунинг ўзи бизга катта мукофот,– дея суҳбатимизга қўшилди «Саулат Нукус» МЧЖ раҳбари Ойбек Саъдуллаев.

Қорақалпоғистонлик қурувчилар қилаётган ишлари, албатта, таҳсинга сазовор.

Ортга қайтар эканмиз, йўл-йўлакай «Қўрғонтепа» маҳалла фуқаролар йиғини кириш дарвозаси кўринди. Ҳамроҳларимизнинг таъкидлашича, бу ерда Хоразм ва Навоий вилоятларидан келган қурувчилар ишлашаётган экан. Вақтимиз тиғизроқ бўлгани сабабли бу ерда меҳнат қилаётган хоразмлик қурувчиларнинг ишлари билан танишга қарор қилдик.

– Келинглар меҳмонлар, – дея бизга пешвоз чиқди қурувчилар ишини назорат қилиб турган Хоразм вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғи Бекназар Қурбонов.

– Бу ерга фақат биз эмас, сизлар ҳам меҳмонсиз чоғи, – дедим ҳазил аралаш Бекназар оғага.

– Э, бизни меҳмонлигимиз қоптими? Худди ўз уйимизда юргандекмиз, – дея кулди у.

Шинамгина қад ростлаган кўмак штабида қурувчилар ўзларига керак бўлган маслаҳатларни олишмоқда.

– Уйларнинг томини сифатли ёпиш бўйича маслаҳатларни беряпмиз, – дейди Б. Қурбонов. – Ҳаммаси рисоладагидек бўлса яхшида.

Хоразмлик қурувчиларга бу ҳудуддаги 170 та бетон панелли 1 қаватли, 2 та ғиштли 2 қаватли уйларни мукаммал таъмирлаш ишлари белгиланган бўлиб, вилоятнинг 42 та қурилиш-пудрат ташкилотларидан 1 300 га яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган экан.

– Қурилиш ташкилотимизга 2 та уйни мукаммал таъмирлаш ишониб топширилган, – дейди «Самарқанд» МЧЖ Боғибек Матякубов. – 14 нафар қурувчиларимиз билан ишларни бекаму-кўст бажаришга ҳаракат қиляпмиз.

– Бу ерга вилоятимиздаги кўзга кўринган қурилиш-пудрат ташкилотлари жалб этилган, – дейди суҳбатимизни тинглаб турган Бекназар Қурбонов. – Бирон-бир ташкилотни ажратиб кўрсатишга ҳам қийналаман. Барчалари сидқидилдан меҳнат қилаётганларини ҳудудни айлансангиз кўрасиз.

Дарҳақиқат, маҳалла анча чирой очган. Йўллар текис, сув тошқинидан зарар кўрган уйларнинг аксарияти янги қиёфа касб этган. Бир сўз билан айтганда, Бекназар оға ҳақ. Барча ўзига юклатилган ишни сидқидилдан бажармоқда.

Машинамиз текис, нотекис йўлларда шиддат билан кетиб бораркан, юртимизга, халқимизга кўз тегмасин, ҳар ишга қодир қурувчиларимиз омон бўлишсин дея таҳсинлар айтиб келдик ҳамроҳлар билан.

Биргина мақолада қилинаётган барча ишларни қамраб олиш жуда мушкул. Шу боис бу ерга яна келишни, республикамизнинг бошқа ҳудудлардан келган қурувчиларнинг ишларини кўришни, уларнинг ишларини ҳам қаламга олишни кўнглимга тугиб қўйдим.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori»нинг махсус мухбири.**
**Муаллиф олган суратлар.**

---

**Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида 2020 йил 3 июнь куни «Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда илм-фан ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг долзарб муаммолари» мавзусида ёш олимларнинг XVII республика илмий-амалий online конференцияси ўтказилди.**

# Ёш олимлар анжумани

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш» йилида амалга оширишга оид давлат дастурига бағишлаб ўтказилган ушбу конференция Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар модернизацияси борасида амалга оширилаётган тубислоҳотлар самарадорлигини ошириш, республика ҳаётининг турли соҳаларини ривожлантиришга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори, илмий салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва ёш олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини янги босқичларга олиб чиқиш борасидаги ҳаракатларни амалга оширишга хизмат қилади.

Анжуманда ёш тадқиқотчилар томонидан архитектура, қурилиш, шаҳарсозлик, ва композицион материаллар яратиш, геодезия, картография, экология, кадастр, иқтисодиёт, туризм, сервис соҳаларини ривожлантириш ва кадрлар сифатини ошириш муаммолари ва ечимлари муҳокама қилинди.

Анжуманда республикамиз олий таълим муассасалари ҳамда ЎзФА илмий-тадқиқот институтлари ва иқтисодиёт соҳалари корхоналаридан 73 нафар ёш профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, 53 нафар ёш олимлар, 147 нафар магистрант ва иқтидорли талабалар ўз илмий мақолалари билан иштирок этдилар. Конференция ишида Самарқанд архитектура-қурилиш институти ректори Султон Аҳмедов, Туркиянинг Кастамону университети профессори, иқтисод фанлари доктори Озодбек Караматов, Ўзбекистон Фанлар Академияси Бош илмий котиби Ғайрат Баҳодиров ва Ўзбекистон Фанлар Академияси Ёш олимлар кенгаши раиси ўринбосари Гулсанам Тиллаевалар сўзлари ёш олимларни янада илҳомлантирди.

Анжуман доирасида ёш олимларнинг тадқиқот ишлари йўналишлари бўйича Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, институтнинг Ёш олимлар кенгаши ва Ўзбекистон Фанлар Академиясининг сертификат ва дипломлари билан тақдирландилар.

Анжуман якунида иштирокчилар томонидан таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида рақамли иқтисодиётни ва инновацион технологияларни қўллашнинг замонавий моделини яратиш ва илмий асосланган тартибини ишлаб чиқишнинг аҳамиятига тўхталиб ўтилди. Анжуманда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этиш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилди.

**Усмон ХУШВАҚТОВ,**
**Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти бўлим бошлиғи,**
**Лазизбек ИБРАГИМОВ,**
**Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Ёш олимлар кенгаши раиси.**

---

# Қишлоқ аҳолисининг орзуси ушалди

**Тентаксой дарёси устида Избоскан ва Пахтаобод туманларининг қатор аҳоли пунктларини боғловчи янги кўприк барпо этилди.**

Маълумки, Тентаксой сел хавфи юқори бўлган сув тармоқларидан бири ҳисобланади. Дарё турли йилларда ўзанидан чиқиб, аҳоли хонадонлари, экин майдонларига кўп бор зарар етказган. Избоскан ва Пахтаобод туманларини боғлаб турувчи мавжуд кўприк мустаҳкам бўлмаганлиги учун яроқсиз ҳолга келиб қолган эди.

Пахтаобод тумани марказини вилоят маркази билан боғловчи магистраль йўл таркибида эканлиги, юк ташишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши, қолаверса, 500 минг нафарга яқин аҳолининг узоғини яқин қиладиган ушбу кўприк замонавий кўринишда янада мустаҳкам қилиниб, қайта қурилди.

– Кўприк кўп бор таъмирланган, лекин кутилганидек мустаҳкам эмас эди, – дейди меҳнат фахрийси Ҳусанбой ота Орифжонов ЎзА мухбири Фахриддин Убайдуллаевга. – Шу боис ҳам кейинги йилларда яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Икки қишлоқ аҳолисининг Президентимиз Халқ қабулхонасига мурожаати, вилоят ҳокимининг амалий кўмаги билан кўприк янгидан барпо этилди.

Қурилиш ишлари Андижон кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси қурувчи ва мутахассислари томонидан олиб борилди. Дарё ичига 20 метрлик темир-бетон устунлар ўрнатилди, кўплаб мустаҳкам блоклар ётқизилди. Умуман, қурилиш ишлари учун 6 миллиард 734 миллион сўм маблағ сарфланди.

Икки туман аҳолисининг кўп йиллик орзуси бўлган Тентаксой устидан ўтувчи узунлиги 73 метр, эни 10 метр бўлган кўприк замонавий кўприксозлик талаблари асосида бунёд қилинди.

Кўприкнинг фойдаланишга топшириш маросимида Андижон вилояти ҳокими Ш. Абдураҳмонов сўзга чиқди.





*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2020 йил 28 майдаги 343 -сон қарорига*
*3-илова*

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда хизмат енгил автомобилларидан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 26 майдаги 153-сон қарорининг рус тилидаги матни 1-иловасининг 6-позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Министерство строительства | – | 70 | 21 | 21 | 2 | 47 | – | – |
| | Центральный аппарат | – | 8 | 6 | 6 | 1 | 1 | – | – |
| | Областные подразделения | – | 41 | 14 | 14 | – | 27 | – | – |
| | Районные подразделения | – | – | – | – | – | – | – | – |
| | Подведомственные организации | – | 21 | 1 | 1 | 1 | 19 | – | – |

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, унинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, республика ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 31 мартдаги 603-сон қарорида:

а) 1-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 4 ва 4а-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 5-илованинг 4-бандига:

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши қўшилсин:

қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциялари томонидан жамғармага йўналтирилган маблағларнинг 0,01 фоизи – Инспекция ва унинг Ҳудудий инспекциялари эҳтиёжларини молиялаштиришга йўналтирилади;

ўн бешинчи хатбоши ўн олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

***Манба: www.lex.uz***



*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2020 йил 28 майдаги 343-сон қарорига*
*1-илова*

## Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг (кейинги ўринларда – Инспекция) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш, раҳбарларининг функционал вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

Инспекция қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида давлат назоратини амалга оширади (йўл қурилиши объектлари ва ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтмаган объектлар бундан мустасно).

2. Инспекция давлат бошқаруви органи ҳисобланади ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига ҳисобот беради.

3. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шу жумладан Қурилиш вазирлигининг қарорлари ва буйруқларига амал қилади.

4. Инспекция ўз фаолиятини давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Инспекциянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

6. Инспекция юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, шу жумладан хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эга бўлади.

7. Инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси;

қисқартирилган номи – Қурилиш назорати инспекцияси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Инспекция по контролю в сфере строительства при Министерстве строительства РеспубликиУзбекистан;

қисқартирилган номи – Инспекция строительного надзора;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Inspectorate for Control in the Construction Field at the Ministry of Construction of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – Construction Supervision Inspectorate.

8. Инспекциянинг манзили (почта манзили): Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 6-уй.

9. Инспекция тизимига Инспекциянинг марказий аппарати ва ҳудудий инспекциялари киради.

### 2-боб. Инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

10. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳоли пунктлари комплекс қурилишларини, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунлар, шаҳарсозлик меъёрлари, қоидалари ва стандартларга риоя қилинишини, қурилиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга ошириш;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари, ҳудудий қурилиш бошқармаларнинг қатъий амал қилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини, пудратчининг ички назорат тизимини олиб борилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш.

11. Инспекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) аҳоли пунктлари комплекс қурилишларини, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунлар, шаҳарсозлик меъёрлари, қо-*



Ҳудудий инспекция бошлиғи вақтинча бўлмаганда, унинг вазифаларини бажариш;

Ҳудудий инспекциянинг ўзи мутасаддилик қиладиган бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, улар ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Ҳудудий инспекция фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Инспекциянинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган бўлимлар томонидан режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи мутасаддилик қиладиган бўлимлари раҳбарларининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган бўлимлар фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, бўлимлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора- тадбирларини кўриш;

Инспекциянинг Ҳудудий инспекция фаолиятига тааллуқли буйруқлари, Ҳудудий инспекция буйруқлари ва топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган бўлимлар ходимларини танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Ҳудудий инспекция бошлиғига таклифлар киритиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган бўлимлар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган бўлимлар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Ҳудудий инспекция бошлиғига таклифлар киритиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини мунтазам равишда шахсан қабул қилиш, шу жумладан, жойларга бориб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушган мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

### 6-боб. Ҳудудий инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг жавобгарлиги

20. Ҳудудий инспекция бошлиғи:

Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, шунингдек, ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган масалалар бўйича;

ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифалари сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

21. Ҳудудий инспекция бошлиғининг ўринбосарлари:

тегишли бўлимларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун; ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларини сифатли бажариш учун шахсан масъулдир.

### 7-боб. Ҳудудий инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари

22. Ҳудудий инспекция бошлиғи Ҳудудий инспекция фаолияти ва унга юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича доимий мониторинг олиб боради ҳамда Ҳудудий инспекция фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

23. Ҳудудий инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам равишда баҳолаб борилади.

24. Ҳудудий инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Ҳудудий инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва индикаторларга асосланади.

25. Ҳудудий инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича қуйидаги чоралар кўрилади:



тасдиқланган бош режаларга амал қилиниши мониторингини юритиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича амалга оширилаётган ишларнинг таҳлилий маълумотларини юритиш;

қурилиш-монтаж ишларининг назорати тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;

қурилиш соҳасидаги қонунчилик фаолияти самарадорлигини ошириб боришда иштирок этиш;

шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, қурилиш меъёрлари ва қоидалари ишлаб чиқилишида иштирок этиш ҳамда Қурилиш вазирлигига таклифлар киритиш;

қурилиш объектларида тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари, амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари ҳамда қўлланилаётган қурилиш материаллари ва буюмлари бўйича шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ва таҳлилий маълумотларни юритиш;

ҳудудий инспекциялар томонидан ҳар ойлик бажарилган ишлар юзасидан ҳисоботларни умумлаштириш;

қурилиш соҳасидаги назорат фаолиятида бажарилган ишлар юзасидан электрон ахборот тизимини ташкил этиш;

Инспекция ва ҳудудий инспекцияларнинг инспекторларини ўқитиш, профессионал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касбий малакасини ошириш учун Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги олий ўқув юртларининг архитектура-қурилиш йўналишидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида қурилиш назорати фаолиятига доир ўқишларини ташкил этиш;

қурилиш соҳасида хорижий давлатлар мутахассисларини жалб қилган ҳолда тажриба алмашиш ва инспекция ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш;

Инспекция ва ҳудудий инспекциялар инспекторларини қонунчиликда белгиланган тартибда аттестациядан ўтказишни ташкил этиш ва уларнинг натижаларига кўра тегишли сертификатлар бериш;

ҳудудий инспекцияларни замонавий синов лаборатория ўлчов асбоблари билан таъминлашга кўмаклашиш;

қурилиш соҳасида давлат назорати фаолиятидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришда иштирок этиш;

Инспекция ва ҳудудий инспекциялар иш фаолиятида фойдаланиши учун услубий ва методик қўлланмалар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

Инспекцияга жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушган мурожаатларни ўзининг ваколати доирасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиш;

қурилиш соҳасига оид учрашув, йиғилиш ва ўқув семинарларини ташкил этиш ва ўтказиш.

13. Инспекция:

унга юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари ва қурилиш соҳасида давлат назоратини самарали амалга ошириш;

Қурилиш вазирлигига Инспекция томонидан киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Инспекция томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати ва пировард натижалари учун жавоб беради.

### 4-боб. Инспекция фаолиятини ташкил этиш

14. Инспекцияга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг такдимномасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган қурилиш вазири ўринбосари – Инспекция бошлиғи раҳбарлик қилади.

Инспекция бошлиғи бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида, заруратга кўра, Инспекция штат бирликларига ўзгартириш киритиш, объектлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий инспекциялар тузилмаси ва штат бирликлари нормативларини ҳамда ҳудудий инспекцияларнинг харажатлар сметасини тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

15. Инспекция бошлиғи қурилиш вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

Инспекция бошлиғи бўлмаган даврда, бошлиқ вазифасини унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

Инспекция бошлиғи:

лаборатория ва биноларни техник кўрикдан ўтказиш хизматлари қийматини аниқлаш методикасини тасдиқлайди;

ҳудудий инспекциялар фаолиятини мувофиқлаштириш, шу жумладан моддий-техника базасини ташкил этишда амалий ёрдам беради;

ҳудудий инспекциялар бошлиқларини қурилиш вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

ҳудудий инспекциялар комплаенс-назорат бўйича мутахассисларни лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Инспекция ва ҳудудий инспекциялар ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш ҳамда уларнинг бажарилишининг назоратини ташкил этади;

Инспекция ходимларининг фаолиятини рағбатлантириш учун тегишли буйруқлар чиқаради;

инспекторлик вакант лавозимларига таклиф қилинаётган номзодларнинг қурилиш соҳасида камида 5 йиллик иш тажрибасига эга, мутахассислиги бўйича муҳандис-қурувчи, архитектор, муҳандис-гидротехник, малакали, амалий тажрибага эга эканлиги, юқори даражали касбий ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлиши кафолатланганлигини таъминлайди.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№42-43 (391-392) 2020 йил 5 июнь

*идалари ва стандартларга риоя қилинишини, қурилиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:*

ҳудудий қурилиш соҳасида назорат инспекциялари томонидан аҳоли пунктларида қурилиш-монтаж ишларини олиб борувчилар, жумладан буюртмачи, пудратчи ва лойиҳа ташкилотлари томонидан қурилиш соҳасидаги шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этиш қоидаларига амал қилинишини назорат қилади;

қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишида шаҳарсозлик меъёрлари, қоидалари ва стандартларга риоя қилинишини қурилиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши бўйича таъсирчан назорат ўрнатади;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан қурилишда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, давлат стандартларга риоя этишлари юзасидан назорат ўрнатади ва таҳлилий маълумотларни юритади;

*б) ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар, объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:*

қурилиш объектларида қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари сифатини текшириш учун шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан белгиланган тартибда лойиҳа, технологик ва ижро ҳужжатлари, шунингдек, бошқа зарур маълумотларни сўрайди ва олади;

қурилиш объектларидаги авария ва носозликлар бўйича огоҳлантириш тадбирлари ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади;

*в) аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари, ҳудудий қурилиш бошқармалари томонидан қатъий амал қилиниши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:*

аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига асосан қурилиш объектларини жойлаштирилишига қатъий амал қилинишини назоратга олади;

*г) буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини ва пудратчининг ички назорат тизимини олиб борилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:*

ҳудудий назорат инспекцияларидан рўйхатдан ўтган қурилиш объектларида буюртмачининг техник назорати, лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорати олиб борилишини танлаб назорат қилади;

қурилиш объектларида буюртмачи, лойиҳа ташкилоти ва пудрат ташкилотлари томонидан олиб бориладиган назорат ишлари етарли ташкил этилмаганлиги учун уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

### 3-боб. Инспекция марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

12. Инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив бузилишлар аниқланган ҳолатларда, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш;

юридик ва жисмоний шахсларга ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равишда, бироқ 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаган ҳолда, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар бериш;

лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли идоралар ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш;

объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани аниқланган ҳолларда, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга такдимномалар юбориш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва ҳудудий инспекциялар томонидан шаҳарсозлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларига зид равишда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш бўйича уларга тақдимномалар киритиш;

қурилишда назорат ишлари натижаларини таҳлил қилиш, умумлаштириш ҳамда мониторингини олиб бориш бўйича ҳудудий инспекцияларга тегишли кўрсатмалар бериш;

ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларни вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида энг муҳим муаммоларни кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссия таркибида иштирок этиш;

Инспекцияга ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича эътироз билдирилган ҳолларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;

буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назорати олиб борилиши юзасидан ҳудудий инспекциялар томонидан бажарилган ишлар мониторингини юритиш;



Ҳудудий инспекция бошлиғининг ўринбосарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Ҳудудий инспекция фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш.

26. Ҳудудий инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби Инспекция томонидан белгиланади.

### 8-боб. Ҳудудий инспекциянинг Инспекция билан ҳамкорлик қилиш тартиби

27. Ҳудудий инспекция Инспекция билан ҳамкорликда:

фаолиятнинг белгиланган соҳасида қонунларни амалга ошириш натижалари ҳақида ахборот тақдим этади;

фаолиятни ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликлар ва қонунбузарликларни бартараф этиш натижалари ҳақида ахборот беради;

ўз иши натижалари ҳақида ҳисоботлар тақдим этади;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларини, жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга мўлжалланган таклифларни йўллайди;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолияти текшируви натижалари ҳақида ахборот беради.

### 9-боб. Ҳудудий инспекциялар фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

28. Ҳудудий инспекция фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

а) давлат қурилиш назорати амалга ошириладиган барча объектлар учун Ҳудудий инспекцияларга ажратмаларнинг қурилиш-монтаж ишлари қийматининг (қўшимча қиймат солиғисиз) 0,18 фоиз миқдоридаги Ҳудудий инспекциялар ихтиёрида қолдириладиган маблағлар;

б) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан молиялаштириладиган маблағлар;

в) мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича шартнома асосида ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан, шунингдек, лаборатория хизматлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган хизматларнинг бошқа турларини кўрсатишдан олинган даромадлар.

29. Мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш бўйича бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг, шунингдек, синов лаборатория хизматлари ва Инспекция томонидан кўрсатилаётган хизматлар бошқа турларининг қийматини аниқлаш методикаси Инспекция томонидан тасдиқланади,

30. Ҳудудий инспекция ходимларига Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш тартибида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш шартлари татбиқ этилган ҳолда, ушбу маблағлар Ҳудудий инспекциялар ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳудудий инспекциянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, унинг ходимларини моддий рағбатлантириш, шу жумладан қўшимча тўловлар, устама ҳақлар, мукофотлар, ижтимоий ва бошқа тўловларни тўлаш Ҳудудий инспекциялар ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшимча молиялаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Ҳудудий инспекциянинг ходимларига ўз хизмат вазифаларини ташаббус кўрсатиб ва виждонан бажарганликлари учун Ҳудудий инспекция бошлиғи томонидан инспекция маблағлари ҳисобидан лавозим маошининг 200 фоизигача устама белгиланиши мумкин.

### 10-боб. Якунловчи қоида

31. Ҳудудий инспекция қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



16. Инспекция бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

### 5-боб. Инспекция бошлиғи, унинг ўринбосарлари ва марказий аппарати раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

17. Қуйидагилар Инспекция бошлиғининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Қурилишни назорат қилиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Инспекция фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Инспекция фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижросини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг топшириқлари сифатли ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш;

Инспекция фаолиятини режалаштириш, Инспекциянинг чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Қурилиш вазирлигининг қарорлари ва топшириқлари ижроси таъминланиши ва мониторинги олиб борилишининг амалий тизимини ташкил этиш;

Инспекция фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун марказий аппаратнинг мансабдор шахслари ва ҳудудий инспекциялар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Инспекция марказий аппарати ва ҳудудий инспекциялар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Инспекция тизимида лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, шунингдек, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, кадрлар захирасини шакллантириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кейинчалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун сифатли ишлаб чиқишни ташкил этиш ва Қурилиш вазирлигига киритиш;

Инспекция раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида самарали бўлиш ва Ўзбекистон Республикасига хорижий делегациялар ташрифини ташкил этишда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ амалга ошириш ва ташкил қилиш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарларига ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

ҳудудий инспекциялар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигининг танқидий таҳлилини мунтазам равишда ўтказиш, уларнинг ҳисоботларини Инспекция мажлисларида эшитиш, якунлари бўйича зарур ҳолларда уларни белгиланган тартибда интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

Инспекция ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини белгиланган тартибда ҳал қилиш, уларнинг эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиш, шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

Инспекция ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш, шунингдек, уларга риоя қилинишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Инспекция тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини қабул қилиш, шунингдек, ҳуқуқий амалиёт ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг юзага келишига ёрдам берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф қилиш;

Инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари ишини ташкил қилишнинг замонавий шаклларини жорий қилишни таъминлаш;

«Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шу жумладан, Инспекциянинг ахборот тизими самарадорлиги ва сифатини ошириш;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил қилиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, шахсан қабул қилишни тизимли равишда ўтказиш, шу жумладан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини жойнинг ўзига чиқиб қабул қилиш;



тажрибага эга эканлиги, юқори даражали касбий ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлиши кафолатланганлигини таъминлайди.

16. Инспекция бошлиғи қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

17. Ҳудудий инспекциялар низоми, тузилмаси, штат бирликпари нормативларини ҳамда харажатлар сметасини Инспекция бошлиғи тасдиқлайди.

### 5-боб. Ҳудудий инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари

18. Қуйидагилар Ҳудудий инспекция бошлиғининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиш;

Ҳудудий инспекциялар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун хужжатлари ҳамда Қурилиш вазирлиги ва Инспекция ҳужжатлари ва қарорлари билан Ҳудудий инспекцияга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамаси ва Қурилиш вазирлигининг топшириқлари ва ҳужжатлари ижросини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ва «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун Ҳудудий инспекция ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

Қурилиш вазирлиги ва Инспекциянинг буйруқлари, қарорлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Инспекциянинг фаолияти доирасига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа маҳаллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Ҳудудий инспекция ходимлари томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Инспекцияда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқий амалиёт ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш йўли билан уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатда ва тартибда кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ҳуқуқбузарликлар бўйича далолатномалар тузиш ва кўрсатмалар бериш;

инспекторлик вакант лавозимларига таклиф қилинаётган номзодларнинг қурилиш соҳасида камида 3 йиллик иш тажрибасига, мутахассислиги бўйича муҳандис-қурувчи, архитектор, муҳандис-гидротехник, малакали, амалий тажрибага эга эканлиги, юқори даражали касбий ва маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлиши кафолатланганлигини таъминлаш;

Ҳудудий инспекция ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимларига лаёқатли эканлигини кўриб чиқиш, шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ҳудудий инспекциянинг белгиланган кўрсаткичларга сўзсиз эришишни таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни тасдиқлаш ва бу бўйича Инспекция бошлиғига таклиф киритиш;

Ҳудудий инспекция ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли танқидий таҳлил қилиш;

Ҳудудий инспекция фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек, давлат хизматлари самарадорлиги, сифати ва мақбуллигини ошириш бўйича таклифни Инспекция бошлиғига кўриб чиқиш учун киритиш;

давлат сирларига оид ва махфий тусга эга бўлган ахборотлар билан ишлашда қонун талабларига риоя қилиш;

Ҳудудий инспекция ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

Ҳудудий инспекция мулкини қонунчиликда белгиланган тартибда тасарруф этиш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининнг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

ушбу Низомга мувофиқ мажбуриятларни тақсимлашга кўра бошқа ваколатларни амалга ошириш.

19. Қуйидагилар Ҳудудий инспекция бошлиғи ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

пудратчи ташкилотларга конструкцияларнинг алоҳида деталларини очиш, пойдевордаги ва қайта тўлдириладиган тупроқни текшириш ишларини топшириш, зарурат бўлганда, тегишли хулоса тайёрлаш учун илмий-тадқиқот ташкилотларидан эксперт-мутахассисларни жалб қилиш;

қурилиш объектларининг барча босқичларида пудратчининг ички, лойиҳачининг муаллифлик ва техник назоратни амалга оширувчи мутахассисларнинг махсус сертификатлари мавжудлигини текшириш, назорат давомида сертификат мавжуд бўлмаганда буюртмачи, пудратчи ва лойиҳа ташкилотларига масъул шахсларни қурилиш объектларидан четлаштириш юзасидан тақдимномалар киритиш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги ҳолати аниқланганда, ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомаларни расмийлаштириш;

авария ҳолатидаги бинолар, иншоотлар, уларнинг қисмлари, конструктив элементлари ва аварияга олиб келган сабабларни текшириш бўйича техник комиссияларда иштирок этиш;

мавжуд бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини шартнома асосида ўрганиш ва тегишли хулоса бериш;

қурилиш объектларида синов лаборатория ишларини шартнома асосида ўтказиш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маъмурий баённомалар тузиш ва ишларни кўриб чиқиш, ҳуқуқбузарлик фактига эътироз билдирилган ҳолларда ишни кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш;

шаҳарсозлик қонунчилиги талабларига риоя этилиши юзасидан давлат ташкилотлари, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда бошқа ваколатли органлар билан ҳамкорлик қилиш;

қурилиш ишларида мустаҳкамлик, сейсмик қоидаларининг бузилиши натижасида аҳоли соғлиғи ва ҳаётига зарар етказилиши ёки оғир оқибатларга олиб келинишини олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чоралар кўриш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабар бериш;

назорат натижаларини таҳлил қилиш, халқаро тажрибаларни ўрганиш, меъёрий талабларни такомиллаштириш бўйича, қурилиш-монтаж ишларини яхшилаш ҳамда қурилиш материалларидан оқилона фойдаланиш юзасидан таклифлар киритиш;

ҳар чоракда Инспекцияга бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот бериш;

электрон рейтингларни жорий этиш учун ўрнатилган муддатларда «Шаффоф қурилиш» бўйича Инспекциянинг миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирган маълумотларни тақдим этиш;

ўзига юкланган вазифалар доирасида иш режалари, шунингдек, аниқ фаолият юзасидан тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва Инспекцияга тақдим этиш;

Инспекция топшириғига биноан шаҳарсозлик ва қурилиш масалалари бўйича ўқув семинарларни ташкил қилиш ва ўтказиш;

Ҳудудий инспекция ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга эҳтиёжини ўрганиш, шунингдек, бу масалалар бўйича Инспекцияга аниқ таклифлар киритиш;

Ҳудудий инспекция номенклатурасига киритилган лавозимларга малакали кадрларни тавсия қилиш;

Ҳудудий инспекция манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, инспекция ваколатига кирувчи масалалар бўйича даъвогар ва жавобгар бўлиш.

13. Ҳудудий инспекция:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектларининг қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ равишда бажарилишини танлаб назорат қилиш;

қурилиш объектларида ишлатилаётган қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмларининг техник жиҳатдан тартибга солиш норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

қурилиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши, аниқланган қонунбузарлик ҳолатларининг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш ҳамда ўз ваколати доирасида тегишли чора-тадбирлар кўриш;

ҳар ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар, маълумотлар ва статистик маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

қурилиш объектларда аниқланган муаммоларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида ҳудудларда тегишли соҳани ривожлантиришга доир таклифлар тайёрлаш учун масъулдир.

### 4-боб. Ҳудудий инспекция фаолиятини ташкил этиш

14. Ҳудудий инспекция бошлиғи Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири билан келишилган ҳолда, Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

15. Ҳудудий инспекция бошлиғи ўзи томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга.

Инспекция бошлиғи:

Ҳудудий инспекция ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

Ҳудудий инспекция ходимларини фаолиятини рағбатлантириш учун тегишли буйруқлар чиқаради;

инспекторлик вакант лавозимларига таклиф қилинаётган номзодларнинг қурилиш соҳасида камида 3 йиллик иш тажрибасига, мутахассислиги бўйича муҳандис-қурувчи, архитектор, муҳандис-гидротехник, малакали, амалий



жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушаётган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ишлашни ташкил қилиш, уларнинг фаолиятида Инспекция ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирокини таъминлаш;

давлат сири ва махфий маълумотлар сирасига кирадиган маълумотлар билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий инспекциялар тўғрисидаги низомларни, лавозим йўриқномаларини ва Инспекциянинг бошқа ички ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Инспекция ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, уларнинг ижросини белгиланган тартибда назорат қилиш;

Инспекция марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига белгиланган штатдаги ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш.

Инспекция бошлиғи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функционал вазифаларни ҳам амалга оширади.

18. Қуйидагилар Инспекция бошлиғи ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

Инспекция бошлиғининг ўринбосарлари Инспекция бошлиғи вақтинча бўлмаганда, унинг вазифаларини бажариш;

Инспекциянинг ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита бошқариш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Инспекция фаолиятининг ўзи мутасаддилик қиладиган йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Инспекциянинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирларнинг бажарилишини танқидий ва чуқур таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш, бўлинмалар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиш ва ушбу кўрсаткичларга эришиш учун уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарларининг иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни бажариш, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

Вазирликнинг Инспекция фаолиятига тааллуқли буйруқлари, Инспекция буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмаларда ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар киритиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиш;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар киритиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишни ташкил қилиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, шахсан қабул қилишни тизимли равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини жойнинг ўзига чиқиб қабул қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушаётган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ишлашни ташкил қилиш, уларнинг фаолиятида Инспекция ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирокини таъминлаш;

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

19. Қуйидагилар Инспекция марказий аппарати раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этиш;



*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2020 йил 28 майдаги 343-сон қарорига*
*2-илова*

## Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги хузуридаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг (кейинги ўринларда – Ҳудудий инспекция) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек, раҳбарларининг функционал вазифалари, ҳукуқлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Ҳудудий инспекция Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси (кейинги ўринларда - Инспекция) таркибига киради ва ўз ваколати доирасида ўзига бириктирилган ҳудудлардаги қурилиш объектларида қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларининг техник бошқарув ва норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини, шаҳарсозлик фаолиятига оид қонун ҳужжатларига ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилишини танлов асосида назорат қилади.

3. Ҳудудий инспекция қурилиш ва шаҳарсозлик соҳасида назорат органи ҳисобланади (йўл қурилиши объектлари ва ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтмаган объектлар бундан мустасно).

4. Ҳудудий инспекция ўз фаолияти юзасидан Инспекцияга бўйсунади ва ҳисобот беради.

5. Ҳудудий инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига, шу жумладан Қурилиш вазирлиги ва Инспекциянинг буйруқлари, қарорларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Ҳудудий инспекция хўжалик ҳисобидаги ташкилот ҳисобланади.

7. Ҳудудий инспекция юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга, банкларда ҳисобварақларига, шу жумладан хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эга бўлади.

8. Ҳудудий инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси;

қисқартирилган номи – Ҳудудий қурилиш назорати инспекцияси;

б) рус тилида:

тўлиқ номи – Территориальная инспекция по контролю в сфере строительства при Министерстве строительства Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – Территориальная инспекция по контролю строительства;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Territorial Inspectorate of Construction Supervision under the Ministry of Construction of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – Territorial Construction Inspection Inspectorate.

### 2-боб. Ҳудудий инспекциянинг вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар Ҳудудий инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳоли пунктлари комплекс қурилишларини, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунлар, шаҳарсозлик меъёрлари, қоидалари ва стандартларга риоя қилинишини танлов асосида давлат назоратини амалга ошириш;

аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари, ҳудудий қурилиш бошқармалари томонидан қатъий амал қилиниши юзасидан назоратни амалга ошириш;

буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини, пудратчининг ички назорат тизимини олиб борилишини назорат қилиш;

қурилиш объектларидаги қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларининг шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, давлат стандартлари талабларига ҳамда лойиҳа ҳужжатларида қабул қилинган техник ечимларга, қурилиш-монтаж ишларининг барча босқичларига риоя этишларини назорат қилиш;

қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рўйхатдан ўтказиш;

шаҳарсозлик қонунчилигига, қурилиш соҳасидаги қурилиш меъёрлари ва қоидалари бўйича Инспекцияга таклифлар киритиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда иштирок этиш.



тегишли таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун;

ушбу Низомнинг 12-бандида назарда тутилган Инспекция марказий аппаратининг жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларини сифатли бажариш учун шахсан масъулдир.

### 7-боб. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари

23. Инспекция бошлиғи Инспекция фаолияти ва унга юкланган вазифалар самарали бажарилиши бўйича доимий мониторингни олиб боради ҳамда Инспекция фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

24. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам равишда баҳолаб борилади.

25. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Инспекция фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва индикатсрларига асосланади.

26. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича қуйидаги чоралар кўрилади:

Инспекция раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарликка тортиш;

Инспекция фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш.

27. Инспекция фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### 8-боб. Инспекция марказий аппарати таркибий тузилмаларининг ўз ҳудудий инспекциялари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

28. Инспекция марказий аппарати таркибий тузилмаларининг ҳудудий инспекциялар ва идоравий мансуб ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги марказий аппарат таркибий тузилмаларининг раҳбарлари томонидан таъминланади.

29. Инспекция марказий аппаратининг таркибий тузилмалари ҳудудий инспекциялари билан ўз фаолияти йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиб:

топшириқларни худудий инспекциялар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказади ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади;

ҳудудий инспекциялари ва идоравий мансуб ташкилотларга таркибий тузилмаларнинг бевосита фаолияти масалалари бўйича сўровлар юборади ҳамда уларнинг ижро этилишини назорат қилади;

ҳудудий инспекциялар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини текширади ва ўрганади, умумлаштиради, такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва Инспекция раҳбариятига киритади;

ҳудудий инспекциялар ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш ва фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот ва ахборот материаллари, статистика ва бошқа маълумотлар ўрганилиши ва умумлаштирилишини ташкил этади;

ҳудудий инспекциялар ва идоравий мансуб ташкилотлар иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштиришга доир чоралар кўради;

ҳудудий инспекциялар ва идоравий мансуб ташкилотлардан тушган таклифларни кўриб чиқади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ҳудудий инспекциялар ва идоравий мансуб тузилмалар иштирокини ташкил этади, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича улардан тушган таклифларни кўриб чиқади.

30. Ҳудудий инспекциялар ва идоравий мансуб ташкилотлар Инспекция марказий аппаратининг таркибий тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

Инспекция раҳбарияти топшириқлари ижроси ҳақида хабар беради;

белгиланган фаолият соҳасида қонун ҳужжатларини амалга ошириш бўйича фаолият натижалари тўғрисида Инспекциянинг марказий аппаратига ахборот тақдим этади;

уларнинг фаолиятини текшириш ва ўрганиш натижасида ишда аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида хабар беради;

ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда Инспекциянинг марказий аппаратига тақдим этади;

Инспекция ваколатига тааллуқли соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган таклифларни Инспекциянинг марказий аппаратига юборади;

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат органларининг ҳудудий тузилмалари, комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ўзаро ҳамкорлик натижалари тўғрисида хабар беради;

ваколатли органлар томонидан ўтказилган ўз фаолиятини текшириш натижалари тўғрисида маълумот беради;

жойларда Инспекциянинг ҳайъати йиғилишини, семинар, конференция, танлов, кўрик ва бошқа ташкилий тадбирларни ўтказиш тўғрисида таклифлар киритади.

31. Инспекция марказий аппарати таркибий тузилмалари ва ҳудудий инспекцияларининг ўзаро ҳамкорлик жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Инспекция бошлиғининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбо-

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№42-43 (391-392) 2020 йил 5 июнь

таркибий бўлинмалар фаолиятига бевосита раҳбарлик қилиш, таркибий бўлинмаларга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил этиш;

ўз ваколатлари доирасида ҳудудий инспекцияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш, Инспекция таркибий бўлинмалари ходимларининг ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек, ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг котибиятлари, давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон ва «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 октябрдаги ПҚ-3962-сон қарорларига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

Инспекциянинг баённома қарорлари, қурилиш вазирининг ва Инспекция раҳбариятининг буйруқлари ва топшириқлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларнинг иш режалари ишлаб чиқилишини, уларда кўрсатилган вазифалар ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таркибий бўлинмаларга юкланган вазифаларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятида амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар киритиш, уларнинг касбий маҳорати, лаёқати, амалий тажрибаси, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий сифатлари юқори даражасининг кафолатланганлигини таъминлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш чора-тадбирларини қабул қилиш;

таркибий бўлинмаларнинг ходимлари фаолияти самарадорлигини танқидий таҳлил қилиб бориш, йиғилишларда уларнинг ҳисоботларини эшитиш, натижалар бўйича зарур чора-тадбирларни қабул қилиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ-2142-сон ва «Хорижий хизмат сафарларида бўлишнинг самарадорлиги ва хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифини ташкил этиш учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ равишда амалга ошириш, хизмат сафарларининг асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлигини, хизмат сафарлари харажатлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Инспекция ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини таъминлаш;

«Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Инспекцияда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини қабул қилиш, ҳуқуқий амалиёт ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш йўли билан уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш;

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланган муддатда ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

давлат сири ва бошқа махфий маълумотлар билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан фаолиятни такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни қабул қилиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳақида таклифлар ишлаб чиқиш ва Инспекция бошлиғига киритиш.

### 6-боб. Инспекция бошлиғи, унинг ўринбосарлари ва марказий аппарати раҳбарларининг жавобгарлиги

20. Инспекция бошлиғи:

Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

21. Инспекция бошлиғининг ўринбосарлари:

Инспекциянинг ўзи назорат қиладиган таркибий тузилмаларида Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган Инспекциянинг мутасаддилик қилинадиган масалаларга доир жавобгарлик соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифаларининг сифатли бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

22. Марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари:



10. Ҳудудий инспекция ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) аҳоли пунктлари комплекс қурилишларини, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунлар, шаҳарсозлик меъёрлари, қоидалари ва стандартларга риоя қилинишини танлов асосида давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:*

қурилиш объектларида тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари, амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари ҳамда қўлланилаётган қурилиш материаллари ва буюмларини шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда стандартларига риоя этилишини танлов асосида назорат қилади;

юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунларга, қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда стандартларига риоя этилишини танлов асосида назорат қилади;

*б) аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари, ҳудудий қурилиш бошқармалари томонидан қатъий амал қилиниши юзасидан назоратни амалга ошириш соҳасида:*

тасдиқланган бош режаларга қатъий амал қилиниши юзасидан ҳудудий қурилиш бошқармалари томонидан олиб борилаётган ишлар бўйича давлат назоратини амалга оширади;

қурилиш объектларида синовлар амалга оширилганлиги, топотасвирлар мавжудлигини назорат қилади;

*в) буюртмачининг техник назорати ва лойиҳа ташкилотларининг муаллифлик назоратини, пудратчининг ички назорат тизими амалга оширилишини назорат қилиш соҳасида:*

қурилиш объектида буюртмачи, лойиҳа ташкилоти ва пудратчи томонидан ижро ҳужжатларини юритилишини, шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ҳамда қурилиш соҳасида қонунда кўрсатилган лицензияли фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг мавжудлигини назорат қилади;

*г) қурилиш объектларидаги қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкцияларининг шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, давлат стандартлари талабларига ҳамда лойиҳа ҳужжатларида қабул қилинган техник ечимларга, қурилиш-моитаж ишларининг барча босқичларига риоя этишларини назорат қилиш соҳасида:*

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, хавф-хатар тоифасидан келиб чиққан ҳолда, қурилиш объектларида (хавф-хатар тоифаси паст бўлган ҳамда якка тартибдаги уй-жой қурилиш объектларидан ташқари) рухсат берилган ҳужжатлар мавжудлиги, шаҳарсозлик норма ва қоида талабларига риоя этилаётганлиги борасида белгиланган тартибда инспекторлик назоратини ўтказади;

қурилиш объектларида хавф-хатар тоифасидан келиб чиққан ҳолда танлов асосида назорат функцияларини амалга оширади;

*д) қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун рўйхатдан ўтказиш соҳасида:*

Ўзбекистон Республикасининг давлат дастурларига киритилган ҳамда давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилган объектларнинг қурилиши ва наъмунавий лойиҳалар бўйича қуриладиган якка тартибдаги уй-жойларда қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини тўғридан-тўғри рўйхатдан ўтказади;

Ҳудудий инспекциядан тегишли тартибда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рўйхатдан ўтган, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ҳайъати таркибида мажбурий иштирок этади.

11. Ҳудудий инспекция инспекторлари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳар 3 йилда аттестациядан ўтадилар ва уларга натижаларига кўра махсус гувоҳнома берилади.

### 3-боб. Ҳудудий инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

12. Ҳудудий инспекция ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш;

юридик ва жисмоний шахсларга объектдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш учун мос равишда, бироқ 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаган ҳолда, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш;

объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилгани аниқланган ҳолларда, қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш;

ҳудудий давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўз ваколати доирасига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш;

ҳудудий давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Ҳудудий инспекция ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

Ҳудудий инспекцияда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган объектларда назорат функцияларини ваколатли органни хабардор қилмаган ҳолда амалга ошириш;

қурилиш объектларида фойдаланилаётган қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялари ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларини назорат қилиш учун шаҳарсозлик фаолияти субъектларидан белгиланган тартибда лойиҳа, технологик ва ижро ҳужжатлари, шунингдек, бошқа зарур маълумотларни сўраш ва олиш;



сари томонидан кўриб чиқилади. Агар инспекция бошлиғи ўринбосари томонидан келишмовчиликларни тартибга солишнинг имконияти бўлмаса, сўнгги қарор бевосита бошлиқ томонидан қабул қилинади.

### 9-боб. Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби

32. Инспекция ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қуйидагилардан иборат:

а) лавозим маошидан;

б) қуйидаги миқдордаги ойлик устама ҳақларидан:

Инспекциянинг бошқарув ходимларининг лавозим маошига 40 фоиз миқдорда;

Инспекциянинг бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларига узоқ муддат ва узлуксиз хизмати учун (республика давлат бошқаруви органидаги меҳнат фаолияти) учун устама ҳақ:

2 йилдан 5 йилгача - 10 фоиз миқдорида;

5 йилдан 10 йилгача - 20 фоиз миқдорида;

10 йилдан 15 йилгача- 30 фоиз микдорида;

15 йилдан 20 йилгача - 40 фоиз миқдорида;

20 йилдан 25 йилгача- 50 фоиз миқдорида;

25 йилдан - 60 фоиз миқдорида;

в) қуйидагиларни ўз ичига оладиган рағбатлантирувчи ва бошқа тўловлардан:

меҳнат қонунчилигида белгиланган байрам саналар муносабати билан ходим лавозим маошининг бир бараваригача (рағбатлантирувчи коэффицентни ҳисобга олган ҳолда) миқдорда;

ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда йўл транспорти харажатлари учун базавий ҳисоблаш микдорининг бир бараваригача (хизмат автотранспорти бириктирилган ходимлар бундан мустасно) ҳамда ходимларнинг овқатланиши харажатларига кўмаклашиш мақсадида базавий ҳисоблаш микдорининг икки бараваригача миқдорда компенсация тўловлари;

зарур ҳолларда, ўн ойлик базавий ҳисоблаш микдорида (ходимнинг даволаниши, юбилей ёши муносабати билан, шунингдек, пенсияга чиққанда, тўй, дафн маросими ва бошқалар учун) ходимларга касаба уюшмаси билан келишган ҳолда моддий ёрдам пули.

33. Ходимларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш учун ҳар йили бир марта базавий ҳисоблаш микдорининг 10 бараваригача миқдорда тўлов амалга оширилади.

34. Инспекция ходимлари қуйидаги шаклларда моддий рағбатлантирилади: мукофотлаш;

лавозим маошига шахсий устамалар тўлаш;

моддий ёрдам кўрсатиш.

35. Инспекция ходимлари хизмат вазифаларини виждонан ва ташаббускорлик билан бажарганлиги ҳамда ишдаги юксак ютуқлари учун Инспекция бошлиғи томонидан қуйидагича мукофотланади:

йил якуни бўйича ходимларнинг самарали меҳнатларини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошининг бир баравари миқдорида мукофотлаш;

Инспекция ходимларига меҳнат фаолиятида юқори натижаларга эришганлиги учун Инспекция бошлиғи томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган Инспекция ходимлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимига мувофиқ ҳар ойлик белгиланадиган қуйидаги миқдорлардаги тўловлар берилади:

70 баллдан 79 баллгача тўплаган ходимларга - лавозим маошига 50 фоиз;

80 баллдан 89 баллгача тўплаган ходимларга - лавозим маошига 100 фоиз;

90 баллдан 100 баллгача тўплаган ходимларга- лавозим маошига 200 фоиз.

36. Иш сифати ёмонлашганда, топшириқлар ўз вақтида бажарилмаганда, меҳнат ва ижро интизоми бузилганда, лавозим маошига белгиланган устамалар бекор қилиниши ёки камайтирилиши мумкин.

37. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондини шакллантиришда йил ҳисобига бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам кўрсатиш ва икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофотлаш учун маблағлар назарда тутилади.

38. Ходим вафот этган ҳолларда, моддий ёрдам (агар ходим вафот этган йилда бевосита унга моддий ёрдам кўрсатилмаган бўлса) унинг турмуш ўртоғига, турмуш ўртоғи йўқлигида – у билан бирга яшовчи вояга етган фарзандларига ёки қонуний вакилларига (васийлар ва ҳомийларга) ёхуд вояга етмаган болаларни (боликдан ногиронларни – ёшидан қатъий назар) фарзандликка олганларга, шунингдек, агар ходимлар никоҳда бўлмаганда ва фарзандлари бўлмаган ҳолларда, ходимнинг қарамоғидаги шахсларга ёки ота-оналарига тенг улушда тўлаб берилади.

39. Истисно тариқасида, ходимнинг асослантирилган аризасига асосан Инспекция раҳбарининг розилиги билан меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ажратилган маблағлар доирасида қуйидаги ҳолларда қўшимча тарзда моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин:

яқин қариндошлари вафот этганда – ўлим тўғрисидаги гувоҳнома нусхасига асосан;

алоҳида эҳтиёж туғилганда (бахтсиз ҳодиса, авария, узоқ муддатли касаллик сабабли махсус даволаниш ёки оиладаги оғир моддий аҳвол).

40. Ходимлар харажатларини қоплаш, моддий ёрдам миқдори ва унинг тўланиши ходимда интизомий жазо чораси мавжудлигига боғлиқ бўлмайди.

41. Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш бўйича тадбирлар:

харажатлар сметасида назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар;



Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб- қувватлаш жамғармаси маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

42. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Инспекция ходимларига республика бюджетидан қуйидаги маблағлар назарда тутилади:

ягона тариф сеткаси бўйича тасдиқланган разрядларга мувофиқ лавозим маоши;

40 фоиз миқдорида меҳнатни рағбатлантириш коэффициенти (рағбатлантирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда);

йилда ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида моддий ёрдам;

икки ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорида мукофот пули;

15 фоизлик моддий рағбатлантириш фонди.

43. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган Инспекция ходимларига бошқа тўловлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

44. Инспекция ходимларига Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари қўлланилади.

### 10-боб. Якунловчи қоидалар

45. Инспекция қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

46. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

# «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига АТ Халқ банки Нишон филиалининг 2020 йил 2 июндаги 280-сонли буюртманомасига асосан АТ Халқ банки Нишон филиали балансида бўлган Шаҳрисабз шаҳар, «Тепарлик» МФЙ, Ипак йўли кўчасида жойлашган **умумий ер майдони** – 4 275,81 квадрат метр, **қурилиш майдони** – 1 335,32 квадрат метр, **фойдали майдони** – 3 109,26 квадрат метр бўлган қурилиши тугалланмаган савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш ва 2 қаватли меҳмонхона биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 5 064 084 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2020 йил 7 июль куни, соат 11.00 дан бошлаб** Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй «Qashqadaryo mulk markazi» МЧЖ биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида 2020 йил 7 июль кунида сотилмаган тақдирда 2020 йилнинг 22 июль ва 7 август кунлари, соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- **жисмоний шахслар** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

**Талабгорлар мулкнинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2020 8000 0049 2060 9009 АТИБ «Ипотека банк» Қашқадарё филиали МФО 00190 СТИР 207 122 519.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Қарши шаҳар «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.

**Тел.:** (75)-225-44-58.

**Электрон почта:** rieltsavdo@inbox.uz.

**Веб-сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

# «Қамаши пахта тозалаш» АЖ

### акциядорлари диққатига!

«Қамаши пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 27 июнь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 14.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Алпомиш кўчаси, 1-уйда жойлашган «Қамаши пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 13.00 бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.Qamashi paxta.uz

**КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:**

1. Умумий йиғилишнинг регламенти ва саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш.
2. 2019 йил якуни ва безнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамият ташқи аудиторининг 2019 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
7. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ҳисоботни тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
10. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
11. Жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
12. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
13. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
14. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказиш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 3 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2020 йил 23 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Қамаши пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Алпомиш кўчаси, 1-уй.

**Тел.:** (75) 532-49-55.

**Электрон почта:** Qamashi-pt@umail.uz

# «MOL MULK SAVDO MARKAZI» МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Денов тумани Қишлоқ хўжалиги бўлимининг 2020 йил 10 мартдаги йиғилиши қарорига асосан бўлим балансида бўлган 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 19 AD 839, илгари ишлатилган, носоз таъмирталаб бўлган УАЗ31512 русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 1 957 253 сўм.

2. Узун тумани халқ таълим бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан халқ таълими бўлими балансида бўлган 1996 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75 477 САА, илгари ишлатилган, носоз таъмирталаб бўлган DEUSUPERSALON русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 10 930 044 сўм.

Савдо 2020 йил 6 июль куни, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Буюртманомалар расмий иш кунлари (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 09.00 дан 17.00 гача қабул қилинади (12.00 дан 13.00 гача тушлик). Буюртманомаларни қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан транспорт воситаларига бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳоси 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Mol Mulk Savdo Markazi» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5008 8458 8001 ТИФ Миллий банки Денов бўлими МФО 00845 СТИР 305 565 084.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида транспорт воситалари олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади.

**Закалат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманома билан бирга тақдим этадилар:**

– **Ўзбекистон Республикаси фуқароси** – паспорт нусхаси аукционда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– **хорижий юридик шахслар** – уларнинг устави белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;

– **хорижий фуқаролар** – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;

– **Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар** – яшаш гувоҳномаси нусхаси;

– закалат пулини тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 55-уй.

**Телефон/факс:** 76 413-16-56.

# САЛОҲИЯТЛИ ИНВЕСТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг «SQB Capital» МЧЖ инвестицион компанияси шўъба корхоналари негизида Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ашхобод маҳалласида жойлашган «Урганч» кўп тармоқли технология парки ҳудудида ишлаб чиқариш учун мўлжалланган **умумий ер майдони** – 2,7 гектарга тенг 6 та 2 қаватли, **ҳар бирининг умумий қурилишости майдони** – 2 564,0 квадрат метрга тенг (ҳар бир қават 1 282,0 квадрат метрдан) ишлаб чиқариш биноларида ҳамда 1,3 гектарга тенг бўш ер майдонида ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ва шу йўл билан маҳаллий аҳоли учун қулайликлар яратиш истагида бўлган салоҳиятли инвесторларни ҳамкорликка таклиф қилади.

**Эълон бўйича батафсил маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 10-«А» уй.

**Мурожаат учун тел.:** (71) 244-51-05

**E-mail:** psb_capital@mail.ru

**Объектларнинг фотосуратлари билан қуйидаги QR-код ҳаволаси орқали танишишингиз мумкин:**

# ОБЪЯВЛЕНИЕ!

**ООО «SQB Construction» объявляет конкурсный отбор подрядной организации для выполнения строительно-монтажных работ по строительству «Специализированного ремесленнического комплекса» по адресу:** Ферганская область, Риштанский район, улица Тукимачи.

Для ознакомления с основными требованиями к участникам торгов, а также списку необходимых документов (данных) для участия в конкурсе можно перейти через QR-код, который указан ниже.

**Коммерческие предложения в запечатанных конвертах просим предоставить в течение 10 дней со дня публикации данного объявления по адресу:** г. Ташкент, Шайхантахурский район, улица Абая, дом, 10 «А».

ООО «SQB Construction» оставляет за собой право проведения последующих переговоров с участниками конкурса, предоставившими коммерческие предложения, в целях получения дополнительной информации.

Настоящим объявлением ООО «SQB Construction» не берёт на себя никаких обязательств на последующее заключение договора с участниками конкурса.

**E-mail:** psb_capital@mail.ru

**Тел.:** (99) 030-50-90.

# «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

### оммавий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 августдаги 685-сонли қарорига асосан «Ҳудудгаз Сурхондарё» МЧЖга тегишли Ангор тумани, Хўжанқо маҳалласида жойлашган, **умумий** – 2 500 квадрат метр ер майдонида жойлашган, чорвачилик ва ёрдамчи хўжалик бинолари 10 фоиз арзонлаштирилган ҳолда **бошланғич баҳоси** –375 244 477 (уч юз етмиш беш миллион икки юз қирқ тўрт минг тўрт юз етмиш етти) сўмга такроран www.1auksion.uz электрон дастурига қўйилмоқда.

Ушбу кўчмас мулклар сотилгунга қадар бошланғич баҳосини ҳар 15 кунда 10 фоиздан босқичма-босқич арзонлаштирилган ҳолда дастлабки баҳосидан 50 фоиздан кам бўлмаган баҳода www.1auksion.uz электрон дастурида очиқ оммавий аукцион савдоларига қўйилганини маълум қиламиз.

# «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ

### нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 7 июль куни бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси хўжалик бошқармасининг 2019 йил 12 сентябрдаги 3/1-8-2889-сонли кўрсатма хати ва Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармасининг 2020 йил 15 майдаги 11/99-сонли хатига асосан Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси автохўжалиги ҳудудида сақланаётган таъмирталаб ҳолатдаги қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

| № | Автотранспорт воситалари номи | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақам белгиси | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|---|
| 1. | NEXIA | 1996 | 90 113VSF | 13 269 000 |
| 2. | NEXIA | 1999 | 90 114VSF | 13 269 000 |
| 3. | MATIZ | 2002 | 90 155 VSF | 15 131 000 |
| 4. | TICO | 1998 | 90 105 VSF | 8 147 000 |
| 5. | ВАЗ 21061 | 1989 | 90 165 VSF | 5 681 000 |
| 6. | Корондо | 1993 | 90 298 VSF | 9 862 000 |

Ушбу мол-мулклар 2020 йил 7 июлдаги очиқ аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 31 августгача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

**Аукцион савдосида иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 20 (йигирма) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин, соат 16.00 да тўхтатилади.

**Тўлов учун реквизитлар:** ҳисоб рақами 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ «Ипотека-банк» Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

**Телефон:** 91-421-00-88.

**Веб-сайт:** www.koss.uz

*4621 рақамли гувоҳнома.*

# «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ

### аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йил 6 июль куни, соат 10.00 дан бошлаб жамият офисида аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:

«AMIR SULTON SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамиятига қарашли 2016 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 803 YAA, **кузов рақами:** XWB5V319DGA534965, **ранги:** оқ (бело дымчатый) бўлган LACETTI русумли автомашина. техник ҳолати таъмирталаб ҳолатда. **Бошланғич баҳоси** – 20 000 000 сўм.

**Ариза қабул қилиш тартиби:** аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар газетада эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни, дам олиш кунлари (шанба ва якшанба) ва байрам кунларидан ташқари, соат 10.00 дан 17.00 гача «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси)да қабул қилинади (тушлик 13.00 дан 14.00 гача).

Аризаларни қабул қилиш 2020 йил 3 июль куни, соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу кундаги савдоларда сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдолари 2020 йил 13 июль ва 20 июль кунлари, соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ, ҳисоб рақами 2020 8000 8045 9352 0001 АТИБ «Ипотека-банк» Қарши шаҳри филиали МФО 00190 СТИР 300 201 778 ОКОНХ 83300.

**Манзил:** Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси.

**Мўлжал:** «Ucell» компанияси биноси рўпарасида жойлашган.

**Телефон:** (76) 225-16-81.

*0000195 рақамли гувоҳнома.*

«O'ZBEKISTON BUNYODKORI» газетасига 2020 йил учун обуна давом этмоқда!

Тел.: 71-244-21-71, 71-244-15-13. Факс: 71-244-40-68, 71-244-05-15.
Эл.почта: uzbunyodkori@mail.ru, uzbunyodkor@umail.uz

Обуна индекси 466

# «ЯНГИ АСР ИСТЕЪДОДЛАРИ – 2020»: кўрик-танлов ғолиблари аниқланди




**Мамлакатимиздаги талаба-ёшларнинг билим ва иқтидорини, инновацион лойиҳа ва ишланмаларини қўллаб-қувватлаш, юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш ҳамда иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишларига қизиқтириш ва уларнинг илмий, ижодий билимини кенгайтириш мақсадига қаратилган «Янги аср истеъдодлари – 2020» кўрик-танлови жорий йилда онлайн тарзда ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида 28-29 май кунлари бўлиб ўтган кўрик-танловда кўплаб ёшлар ўз лойиҳаларини ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола қилдилар. Баҳолаш мезонларига кўра, мазкур лойиҳаларнинг долзарблиги, инновацион ғояси, ечими ва тугаллангани инобатга олинди.

Қуйида номинациялар бўйича ғолиблар рўйхати билан танишишингиз мумкин:

### «Энг яхши тасвирий ва амалий санъат асари» йўналишида:

**1-ўрин:** Сатторов Нодиржон Абдуғофир ўғли (Тошкент архитектура-қурилиш институти 1-босқич талабаси)

**2-ўрин:** Дё Анастасия Грасимовна (Тошкент архитектура-қурилиш институти 2-босқич талабаси)

**3-ўрин:** Маликова Лобар Дўстлик қизи (Тошкент архитектура-қурилиш институти 1-босқич талабаси)

### «Энг яхши архитектуравий инновацион лойиҳа ва макет» йўналишида:

**1-ўрин:** Рахматхўжаева Дилрабо Шухратхўжа қизи (Тошкент архитектура-қурилиш институти 4-босқич талабаси)

**2-ўрин:** Саидова Нигина Шодиевна (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 3-босқич талабаси)

**3-ўрин:** Олимжонова Фарангиз (Тошкент архитектура-қурилиш институти 3-босқич талабаси)

### «Энг яхши меъморий таъмирлаш, қайта тиклаш ва композиция лойиҳаси» йўналишида:

**1-ўрин:** Ражаббоев Азамат Жиян ўғли (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 4-босқич талабаси)

**2-ўрин:** Нуриддинов Азизбек Бахриддин ўғли (Тошкент архитектура-қурилиш институтининг 4-босқич талабаси)

**3-ўрин:** Субхонов Феруз Шухратович (Тошкент архитектура-қурилиш институтининг 2-босқич магистранти)

### «Энг яхши ландшафт ва интерьер дизайни» йўналишида:

**1-ўрин:** Хамидуллаева Дилноза Хабулло қизи (Тошкент архитектура-қурилиш институти 3-босқич талабаси)

**2-ўрин:** Мансурова Шаҳзода Ахмад қизи (Тошкент архитектура-қурилиш институти 4-босқич талабаси)

**3-ўрин:** Тожибоева Диёра Мухаммадсобир қизи (Тошкент архитектура-қурилиш институти 2-босқич магистранти)

### «Энг яхши инновацион муҳандислик-коммуникация лойиҳалари ва ишланмалари» йўналишида:

**1-ўрин:** Халилов Алихон (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 2-босқич талабаси)

**2-ўрин:** Сағдуллаева Шаҳноза Ғайратилла қизи (Тошкент архитектура-қурилиш институти 4-босқич талабаси)

**3-ўрин:** Анорбоев Сохибжон (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 1-босқич талабаси)

### «Энг яхши инновацион қурилиш материаллари ва технологиялари» йўналишида:

**1-ўрин:** Қуролова Норгул Равшан қизи (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 1-босқич магистранти)

**2-ўрин:** Ботиров Бектош Фарҳод ўғли (Жиззах политехника институти 3-босқич талабаси)

**3-ўрин:** Яхшибоев Шаҳзод Аҳмад ўғли (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 2-босқич талабаси)

### «Энг яхши инновацион бизнес лойиҳа» йўналишида:

**1-ўрин:** Толибоев Жасур (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 3-босқич талабаси)

**2-ўрин:** Муродов Рустам Тоҳир ўғли (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 3-босқич талабаси)

**3-ўрин:** Маъсуджонов Фазлиддин (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 2-босқич талабаси)

### «Энг яхши зилзилбардош бинолар ва конструкциялар» йўналишида:

**1-ўрин:** Ниғматжонов Диёржон Ғайратжон ўғли (Тошкент архитектура-қурилиш институти 3-босқич талабаси)

**2-ўрин:** Қаландаров Сирож Ўктам ўғли (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 4-босқич талабаси)

**3-ўрин:** Аҳмаджонов Улуғбек Пўлат ўғли (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 2-босқич талабаси)

### «Энг яхши инновацион энергосамарадор лойиҳалар ва ишланмалар» йўналишида:

**1-ўрин:** Шефер Анастасия Жамшедовна (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 3-босқич талабаси)

**2-ўрин:** Матёқубов Бобур Пўлатович (Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти 1-босқич магистранти)

**3-ўрин:** Исламов Алихон Азизович (Тошкент архитектура-қурилиш институти 4-босқич талабаси)

**Танлов ғолибларини тақдирлаш бўйича қўшимча маълумотлар карантин муддати тугагандан сўнг маълум қилинишини таъкидлаб ўтиш зарур.**

Танловда ғолиб бўлган талабалар рўйхати эълон қилингач, уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлдик.

– Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан бу сафар онлайн тарзда ўтказилган «Янги аср истеъдодлари – 2020» республика кўрик-танловининг «Энг яхши зилзилабардош бинолар ва конструкциялар» йўналишига ўзимнинг долзарб мавзудаги лойиҳамни тақдим этиб, биринчи ўринни эгаллаганимдан жуда ҳам мамнунман, – дейди Тошкент архитектура-қурилиш институтининг «Бино ва иншоотлар қурилиши» факультети 3-босқич талабаси Диёржон Ниғматжонов. – Бунда албатта, институтимиз профессор-ўқитувчилари, устозларим, қолаверса, ушбу лойиҳага илмий раҳбарлик қилган доцент Саидғани Юсуфхўжаевнинг хизмати ва кўмагини алоҳида эътироф этишни истайман. Бино ва иншоотларнинг мустаҳкам қурилиши жараёнларида қўл келадиган ушбу лойиҳа ҳакамлар ҳайъати диққатини жалб қилгани ўзимга бўлган ишончни янада орттирди. «Инновацион 3D принтер технологияси асосида зилзилабардош бино ва иншоотлар қурилиши» мавзусидаги лойиҳанинг асосий мақсади – аҳолини сифатли ва зилзилага бардош бера оладиган турар жойлар билан таъминлашдан иборат. Эътиборли жиҳати, мен илгари сурган технология орқали катта тезликда бино ва иншоотларни қуриш имконияти мавжуд.



Институтнинг иқтидорли талабаси сифатида Диёржон Ниғматжонов 2019 йил «Йил талабаси» республика танловида «Йилнинг энг фаол ихтирочи-инноватор талабаси» номинациясида «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасида инновацион 3D принтерни ривожлантириш ва оммалаштириш» мавзусидаги лойиҳа билан иштирок этиб, 2-ўринни эгаллаган. Бу ютуқларида у институтнинг катта ўқитувчиси, лойиҳанинг илмий раҳбари Лола Усмонхўжаева хизматини алоҳида эътироф этади. Бугунги кунга қадар Диёржоннинг қурилиш соҳаси ҳамда 3D принтер технологиясига оид 15 га яқин илмий мақолалари хорижнинг АҚШ, Россия каби давлатларида, шунингдек, мамлакатимиз миқёсидаги нуфузли илмий-амалий анжуманлари ва журналларида чоп этилган. 2019 йилда у аъло ўқиши ва намунали хулқи учун институт томонидан фахрий ёрлиқ билан тақдирлангани эса устозлари, ота-онаси ва тенгдошларини хурсанд қилди.

– Инсон ҳаёти давомида ўз олдига аниқ мақсадлар қўйиб яшайди, – дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти ландшафт-интерьер дизайни йўналиши 3-босқич талабаси Дилноза Ҳамидуллаева. – Биз қачон орзуларимизни мақсадга айлантира олсак, ана шундагина улар амалга оша бошлайди, назаримда. Ёшликнинг энг юксак орзуларидан бири эса шубҳасиз талаба бўлишдир. Мен талабалик бахтига дарров эришмадим. Уч йил мобайнида ҳужжатларим билан олий таълим муассасасига қатнадим ва мақсадимга эришдим. Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси бўлгач, дизайн йўналишида устозларимдан билим олиб келмоқдаман, курсдошларим билан биргаликда соҳанинг етук мутахассиси сифатида ўз устимизда ишлаяпмиз, илм олмоқдамиз. Айниқса, ландшафт-дизайни йўналишида таҳсил олаётганим боис, институтимизнинг Ландшафт-интерьер дизайни кафедраси ўқитувчиларидан етарлича билим оляпман. Бу йилги «Янги аср истеъдодлари – 2020» кўрик–танловида иштирок этишимда устозларим, хусусан, Ландшафт-интерьер дизайни



кафедраси ўқитувчиси Самидулло Элмуродов каби соҳа жонкуярларининг хизматлари катта. Ўз касбининг устаси, тажрибали ва билимли педагог, маҳоратли дизайнер ва қолаверса, меҳрибон устоз танловга тақдим этган илғор лойиҳамда илмий раҳбар сифатида мени қўллаб-қувватлади. Кўрик-танловда иккинчи бор иштирок этдим. Пандемия шароити туфайли танловнинг онлайн шаклда ташкил этилгани биз талабаларнинг АКТни ҳам мукаммал ўзлаштиришимизга ундади. «Энг яхши ландшафт ва интерьер дизайни» йўналишига Тошкент вилоятидаги Бекобод тумани маркази ҳисобланган Зафар шаҳарчасидаги сайилгоҳ лойиҳасини тақдим этдим. Лойиҳани тайёрлаш жараёнида ҳудуд иқлими, табиати, рельефи ва шарт-шароитлари ўрганиб чиқилди. Тупроғи ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ ҳамда оқиш бўз тупроқ бўлгани сабабли ушбу ҳудудда шўр босган ва эрозияга учраган ерлар бор. Илгари сурган лойиҳамда асосан манзарали дарахтлардан фойдаланиш зарурлигига катта эътибор қаратдим. Ҳатто, баъзи ўсимликларнинг нафақат ташқи кўринишини яхшилаш, балки эрозияга учраган тупроқларнинг унумдорлигини қайта тиклаш ҳам кўзда тутилган.

Лойиҳа устида ишлаш жараёнида сайилгоҳ атрофида автомобиллар ўтиш жойи мавжудлиги ҳисобга олиниб, аҳоли хафвсизлигини таъминлаш масалаларига ҳам аҳамият берилган. Лойиҳанинг ландшафт ечимида болалар ўйингоҳлари, аҳолининг дам олишига мўлжалланган соя-салқин ҳудудлар, мевали ва манзарали дарахтларни ўз бағрида жамлаган кичик боғ ҳам ташриф буюрувчиларга манзур бўлиши, шубҳасиз. Эътиборли жиҳати, лойиҳадан ўрин олган ўсимлик ва дарахтларнинг ана шу иқлимга мослашувчанлик хусусияти ўрганиб чиқилади. Республикамиз ҳудудларининг ландшафт дизайнини амалга оширишда экилаётган дарахт ва ўсимликларнинг иқлимга уйғун келишига у қадар эътибор берилмайди. Натижада, дарахтлар бир йил ўтар ўтмас ё қуриб қолади ёки ўзининг асл ҳолатини йўқотади. Бунга сабаб ана шу манзарали ниҳолларнинг ҳудудга мос келмаслиги у қадар ўрганилмаганлигидир. Лойиҳамни амалга ошириш жараёнида илмий раҳбарим билан биргаликда ана шу каби муаммоларни бартараф этиш устида янгиликлар киритдик. Танлов биз талабаларга ўз истеъдод ва билимларимизни кенг намойиш этиш, устимизда ишлаш ва келгуси мақсадларимиз сари илдам боришда олтин қанот вазифасини ўтади. Илмий изланишларим устозларимизнинг меҳнатлари орқали рўёбга чиқди ва у муносиб баҳоланганидан мамнунман. Институтни битиргач ушбу соҳанинг мутахассиси сифатида юртимизнинг қиёфасини янада гўзаллаштириш, унинг архитектуравий кўриниши, ландшафт дизайнини янада чиройли этишга ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшишни мақсад қилганман.



– Танловнинг «Энг яхши инновацион муҳандислик-коммуникация лойиҳалари ва ишланмалари» йўналиши»га «Тоза ичимлик сувини ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни жалб қилиш орқали харажатларни камайтириш ва сувнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш» мавзусидаги тадқиқот илмий ишимни тақдим этдим, – дейди ТАҚИнинг 4-босқич талабаси Шаҳноза Сағдуллаева. – Бу изланишларимда менга институтимиз профессор-ўқитувчилари ва отам Ғайратилла Мажидов кўмак беришди. Мазкур лойиҳамдан кўзланган асосий мақсад тоза ичимлик сувини ишлаб



чиқаришдаги муаммоларни бартараф этиш ва аҳолини узлуксиз равишда оби-ҳаёт манбаи билан таъминлашдан иборат. Институтда ўқиш давомида ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги 14 та илмий мақола ва 3 та лойиҳа билан хориж ҳамда мамлакатимизда ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этганман. «Янги аср истеъдодлари – 2020» танловида иштирок этиб, биз ёшлар ўзимизнинг олган илмий билимларимизни янада мустаҳкамлаш, назарий кўникмаларимизни амалий жиҳатдан намоён этиш имкониятига эга бўлдик.

– Мамлакатимизда замонавий турар-жой бинолари ва ижтимоий объектларга эҳтиёж ортиб бормоқда, – дейди Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Қурилиш факультети Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларни ишлаб чиқариш кафедраси магистранти, кўрик-танловнинг «Энг яхши инновацион қурилиш материаллари ва технологиялари» йўналишидаги 1-ўрин соҳибаси Норигул Қуролова. – Шунга кўра, ушбу соҳада ишлатиладиган маҳаллий хом ашёлардан инновацион, юқори сифатли, экологик тоза, арзон қурилиш материалларни яратиш борасидаги илмий ишланмалар долзарб. Айни вақтда илмий тадқиқ қилаётган мавзу, яъни базальт толали композицион варақи (лист) томёпқич материалларни ишлаб чиқариш ўзининг самарадорлиги, муҳимлиги жиҳатидан мамлакатимиз қурилиш тизимида юзага келган муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Танловга тақдим этган лойиҳа орқали базальт толаси билан дисперс боғланган варақи композицияни ишлаб чиқиш, бу билан унинг эксплуатация ва функционал хусусиятларини янада ошириш масаласи асосий мақсад қилиб қўйилди. Энг муҳим устувор йўналишларидан бири – бу нанотехнологиялар ва инновацион усулларда, базальт толалари асосидаги асбестсиз самарали композит варақи томёпқич қоплама материаллар яратишдан иборатдир.

**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА ёзиб олди.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-653.
2146 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 00.50. Топширилди – 01.40.

1 2 3 4 5 6